

Илмда хотиржамликни ҳис қилиш



15:05 / 12.02.2022 2337

Инсоннинг ҳақиқий муваффақияти қайси ўринда бўлмасин Аллоҳ азза ва жалланинг тавфиқидан сўнг илмга бўлган ҳиммати ва ихлосига боғлиқдир. Бу барча илм билан шуғулланувчиларга тегишлидир. Олим кишининг илмида юксакликка эришиши учун ўз йўналишида тўғри манҳажни ушлаши лозим. Шу қатори илмий даражасини баҳс-мунозара, ёзув-чизув ва дарс бериш каби йўللар билан оширишга кун-у тунини сафарбар қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, толиби илм илм талаби ва таҳсили учун бор кучини сарфласа, қийинчилик ва машаққатларга бардош берса ва улардан ғолиб келса, Аллоҳ таоло унинг ҳаракатини зое қилмайди, одамлар унинг ҳаққини олиб қўймайди ва ундан юксалиш ва ривожланиш ортга сурилмайди. Дарҳақиқат, юксалиш учун катта сабр талаб қилинади.

Бироқ, узундан-узун орзуларга берилган, дангасаликка одатланган, роҳат талабида бўлган, муваффақиятга осонликча эришишни хоҳлаган, шириндан-ширин таом еган, чиройли кийимларни кийган, узундан-узун уйқуларни яхши кўрган ва фаслларнинг ўзгариши уни илм олиш ва таҳсилдан машғул қилиб қўйган кишидан илм қанчалар узоқда! Ундан илм қанчалар нафратда! («Софаҳот мин собрил уламо» китобида келган 368-369-бетлар).

Бундай машаққат ва қийинчиликларни ошиб ўтиш олий ҳимматга эҳтиёж сезади. Ҳиммат соҳиби бўлмаган кишига довон ошишнинг, чўққини забт этишнинг ва мақсадга етишишнинг имкони йўқ!

Нақл қилинган ва фойдаланилган илмни ҳосил қилиш, тушуниш, ёдлаш ва мустаҳкамлашнинг ўзига яраша машаққатлари ва қийинчиликлари бор. Чунки, ҳар бир илмнинг узоқ ва яқин бўлган бошқа бир илмга боғлиқлиги бор. Илмлар гўёки шохлари кўп сербаргли дарахтга ўхшайди. Киши бир илмни унга боғлиқ бўлган илмни ўрганмагунча, ёхуд пишитмагунча пухта ўргана олмайди. (*«Софаҳот мин собрил уламо» китобида келган 363-бет*).

Олдинги уламоларимиз ютуқларга етишиш учун бор вақтларини Аллоҳ йўлида илм ўрганиш ва ўргатишга бахшида қилганлар. Сўнгра юқори даражаларга эришганлар. Имом Абу Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг айтган сўзларига қаранг: «Ўғлим вафот этганида уни дафн қилиш учун тайёрлашга ҳам, жанозасига ҳам бора олмадим. Абу Ҳанифадан бирор нарсани ўтказиб юбориб, кейин пушаймон чекмаслик учун бу ишни қўшниларим ва яқинларимга топширдим». (*«Қийматуз замон» китобида келган 30-31-бет*).

Имом, муҳаддис Мунзирий роҳимаҳуллоҳ «Комилия» ҳадис мадрасасига устоз этиб тайинланганларида, бор эътиборини унга жалб этдилар ва ҳаётларининг охириги йигирма йилини китоб ёзиш, ҳадис айтиш, маъноларини тушунтириш ва ҳадисларни таҳриж қилишга эътикоф ниятини қилиб, у ерда ўтказдилар. Мадрасадан фақат жума намози учунгина чиқар эдилар. Ҳатто, у зотнинг катта ўғиллари Ҳофиз Рошидуддин Муҳаммад 643-ҳижрий йили вафот этганида, жаноза намозини мадраса ҳовлисида ўқидилар ва жанозасини мадраса эшигигача кузатдилар. У зотнинг ўғилларига айтган сўнги сўзлари: «Болажоним, сени Аллоҳ таолога топширдим» бўлди ва жанозадан ажралдилар. (*«Жавобул Ҳофиз Мунзирий» китобида келган 26-бет*).

Шайх Салоҳ Абулҳож ҳафизаҳуллоҳнинг

«Қалбни суғорган ҳикмат зилоли» китобидан.

Абдуссами Хайруллоҳ таржимаси